

**МЭЖБУРИЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИ ЖАЗОСИ ВА УНИНГ  
БЕЛГИЛАНИШИ**

**Калбаева Эльдора Узакбаевна**

*Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат  
университети Юридика факультети 2-курс талабаси  
eldorakalbaeva@gmail.com  
Тел: +998339678085*

**Аннотация:** *Ушбу мақолада мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо тушунчаси, унинг муддатлари, чет ел тажрибаси, жазони ижро этиши фаолияти ва унинг ўзига ҳос хусусиятлари ҳақида маълумот берилган.*

**Калит сўзлар:** *мажбурий жамоат ишлари жазоси, маҳкум, жазони ижро этиши инспекцияси, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш, ҳукм, ажрим.*

2017-йил 29-мартда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқороларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга боғлиқ кўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонунларига ўзгариш ва қушимчалалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган еди. Бу қонун асосида Жиноят кодексининг 451-моддасига янги жазонинг түри - мажбурий жамоат ишлари киритилди [1].

Мажбурий жамоат ишлари – бу маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда тортишдан иборат. Маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади [2].

Мажбурий жамоат ишлари жазосини ўташ мўмкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг турлари жазоларни ижро этиш инспекциялари томонидан маҳаллий ижро етувчи ҳокимият органининг таклифига мувофиқ белгиланади.

Мажбурий жамоат ишлари жазоси бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача бўлган муддатга тайинланади ва олти ой давомида кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда, бир йилгача булган муддатда кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади.

Жиноят кодексининг 451-моддасига мувофиқ қуйдаги турдаги шахсларга мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинланмайди:

- пенсия ёшига етган шахсларга;
- ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга;
- хомиладор аёлларга;
- уч ёшга тўлмаган болалари бор айолларга;
- биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига;
- ҳарбий хизматкорларга;
- чет ел фуқороларига;
- Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларга.

Суднинг ҳукми қонуний кучга кирганлиги ҳақидаги хабарномаси жазоларни

ижро этиш инспекциясига келиб тушган кўндан этиборан ўн кўндан кечиктирилмай мажбурий жамоат ишларига ҳукм этилган шахс жазони ўташга жалб қилинади. Шахсга асосий иш жойидан навбатдаги ҳар йилги меҳнат дам олишининг берилиши мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижро этилишини тўқтатиб турмайди [3].

Мажбурий жамоат ишлари жазосин ўташ даврида маҳкум меҳнат жарақсиз булиб қолса, пенсия ёшига етган бўлса шунингдек, айоллар бу турдаги жазони ўташ вақтида ҳомиладорлик ёки туғиш таътилига чиқса жазони ўташдан озот этилади [4].

Мажбурий жамоат ишлари түридаги жазонинг ижро этилишини ташкиллаштириш тартиби ва бу иш түрларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Маҳкум жазони ўташдан бош тортган ҳолда, суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатин мажбурий жамоат ишларининг тўрт соати озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирилган ҳолда ҳисоблаб, озодликдан чеклаш ёки озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилади. Жазони ўташдан бош тортилган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланилмайди.

Қўйидаги ҳолатлар мажбурий жамоат ишлари жазосини ўташдан бош тортиш деб ҳисоблаш учун асос бўлади:

- ўч кун ичида ҳисобга турмаган шунингдек, жазони ижро этишдан бош тортиш мақсадида яширинса;

- ёзма огоҳлантириш олгандан сўнг, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўлмаса ҳам, мажбурий жамоат ишларига бир ой давомида икки мартадан кўп иштирок етмаса;

- ёзма огоҳлантириш олгандан сўнг мажбурий жамоат ишларини ўташ жойидаги (объектдаги) муассасанинг (органнинг) ички меҳнат тартиби қоидаларини бир ой давомида ўч мартадан кўп бузса.

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ижро этиш судланувчининг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Маҳкумнинг мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ўташи мўмкун бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг аниқ турлари маҳаллий ижро етувчи ҳокимият органларининг таклифларига кўра инспекция томонидан маҳкум яшайдиган ҳудудда белгиланади.

Мажбурий жамоат ишларига ҳукм қилинган маҳкум суднинг ҳукм, ажрим ёки қарори қонуний кучга кирганлиги ҳақидаги хабарномаси инспекцияга келиб тушган кўндан бошлаб ўн кўндан кечиктирмай жазони ўташга тортилади.

Шуни айтиб ўтиш керак, бу жазо түри бир қатор чет ел давлатлари қонунчилигида назарда тутилган. Жумладан, Францияда «жамият манфаатлари ёлидаги ишлар» деб юритилади. Шунингдек, Дания, Голландия ва Норвегия давлатларида бу жазо «ишлар» деб аталади [5].

Айирим давлатларда мажбурий жамоат ишлари жинойий жазо тури сифатида емас, балки шэртли ҳукм этилганларнинг мажбурияти ёки маълум бир жазолаш элементи сифатида қўлланилади. Жумладан, Швеция қонунчилигида шэртли ҳукм

маҳқум рози бўлган тақдирдагина жəмият ишларини ижро этиш шарти билан тайинланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг миллий қонунчиликга киритилиши маҳқумнинг хулқ-атвори устидан натижали назорат қилиш таминлаш, одаттаги ҳаётини сақлаган ҳолда жиноий йўлга түсиўиниц олдини олиш орқали унинг тақироран жиноят ишлашининг эҳтимолини камайтиришга қаратилган.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 13-сон, 194-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2021 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) умумий қисм // М.Рустамбоев. –Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2021, –Б. 435.
3. Ўзбекистон Ркспубликасининг Жиноят-ижроия кодексининг 25 -моддаси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 6-сонли, 175-модда).
4. Ўзбекистон Руспубликаси Жиноят кодекси.
5. Матмуратов Б.Ж., Рустамбоев М.Х., Утемуратова С.Ш., Нажимов.М., Файзуллаева Т. Жынаят хуқықы (улыўма бөлим) сабақлық - Нөкис: "Қарақалпақстан", 2019 жыл, 326-бет.